

ИНВЕСТИЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Камолов Азамат Эркинович,
БМА магистранти
E-mail: azamatkamolov82@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада инвестиция ресурсларини солиқ механизми орқали самарали жалб этиш йўллари, инвестиция ресурсларини ва солиқ механизмининг замонавий сифат тавсифлари, шунингдек инвестиция жараёнларини рағбатлантиришда солиқ механизми самарадорлигини ошириш йўлларининг жаҳон тажрибаси баён этилган.

Аннотация: В данной статье приведены пути эффективного привлечения инвестиций посредством налогового механизма, мировой опыт повышения эффективности налогового механизма при стимулировании инвестиционных процессов, а также изложены современные характеристики инвестиционных ресурсов и налогового механизма.

Abstract: This article shows ways to effectively attract investment through a tax mechanism, the world experience of increasing the effectiveness of the tax mechanism in stimulating investment processes, and also presents modern characteristics of investment resources and tax mechanism.

Калит сўзлар: солиқлар, имтиёзлар, инвестиция, инвестиция ресурслари, солиқ механизми, солиқ имтиёзлари, даромад, самарадор, фойда солиғи, капитал, иқтисодиёт, тадбиркорлик, ривожлантириш, рағбатлантириш.

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг аҳамияти беқиёс каттадир, улар ёрдамида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга оширишга замин яратилади. Бунинг учун солиқларнинг функцияларидан молиявий унсур сифатида самарали фойдаланиш зарур.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестицияларни фаол жалб қилиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди [1].

Шу билан бирга ушбу ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланган бўлиб, қатор муҳим вазифалар белгиланди [2].

Хусусан, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида - фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоғи ва соҳаларига

имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш белгиланди.

Инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Солиқларни тартибга солувчилик функциясидан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, инвесторлар назари билан қараганда, солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим [3].

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлашда инвестицияларни ўрни муҳим аҳамият касб этади: иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш даражаси ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда эса энг мақбули солиқ механизми ҳисобланади.

Иқтисодиётимизга инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишда солиқ имтиёзларининг самарали таъсир этиш даражасини пастлиги тадқиқот муаммоси ҳисобланади. Тадқиқот мақсади инвестиция ресурсларини жалб қилишда солиқ механизми таъсирчанлигини ошириш ва солиқ имтиёзлари самарадорлигини кучайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қўйидаги вазифалар қўйилган:

- инвестиция ва солиқ механизми тушунчаларининг замонавий иқтисодий моҳиятини ўрганиш;
- инвестиция жараёнларини солиқлар воситасида тартибга солишнинг назарий жиҳатларини ўрганиш;
- фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадор-лигини таҳлил қилиш;
- инвестиция ресурсларини солиқ механизмлари орқали жалб қилишнинг хориж тажрибасини ўрганиш;
- инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишда солиқ механизми, хусусан солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва натижадорлигини янада кучайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни комплекс модернизация қилиш, замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ғояси илк бор Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йилдаги қўшма йиғилишида янграган. Биз бир оддий ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор, яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди [4].

XVIII асрда физиократларнинг лидери сифатида гавдаланган - француз иқтисодчи олими Ф.Кенэ иқтисодиётда харажатларни икки тоифага ажратишни ўргатди. Булар ягона даврдаги ва жорийдир. Инвестициялар ва ишлаб чиқариш харажатларига биринчилардан бўлиб таъриф берган ва моҳиятини тушунтириб берган. Унинг фикрича “дастлабки бўнаклар” – ерда хўжаликни юритиш учун олдиндан узоқ давр учун бирдагина сарф қилишдир. Ҳар йилги бўнаклар эса – маҳсулот таннархига кўшиладиган, ушбу хўжаликни юритиш учун талаб қилинадиган доимий харажатлардир [5].

Инвестиция жараёнига солиқларнинг таъсир этиш муаммолари бўйича инглиз иқтисодчи олими Ж.М.Кейнс томонидан 1930 йилда инвестициялар - жамғармаларга тенг деган тезисни номувофиқлиги асосланган. Унинг асосий психологик қонуни шундан иборатки, одамлар одатда даромадлар ортиши билан истеъмолни ҳам ўстиради, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди. Оқибатда даромадлар ўсиши билан жамғариш ортади ва истеъмол нисбатан камайиб боради. Охирида эса самарали талаб камаяди, талаб шундай йўл билан ишлаб чиқариш ҳажмлари ва бандлик даражасига таъсир этади [6].

Кейинчалик неокейнсчилик вакиллари (Е.Домар, Ф.Перу, Р.Харрод, Э.Хансен) ишлаб чиқариш воситаларида янги инвестициялар ва истеъмол талабини шакллантиришда давлатнинг рағбатлантирувчи роли муҳим аҳамият касб этишдек фикрларни илгари суришган [7].

Инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда Д.Ғозибековнинг фикрига кўра, инвестицияларнинг моҳиятини таърифлаб ўтганда уларнинг турли хил хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ зарур. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради [8].

Даромадлар ва ёки бойлик аввало яратилиши ва ундан кейин истеъмол қилиниши керак, бу эса шуни англатадики, ишлаб чиқариш омилларига солиқларнинг таъсири, яъни капитал ва ишчи кучи, айниқса бойликни яратилишида муҳим ҳисобланади. Корпоратив ва акционер солиқлар капитал яратилишини ва инвестицияларни рағбатлантирилишини пасайтиради. Инвестицияларни камлиги сермахсул ишчиларнинг камайишини ва мос равишда иш ҳақини анча пасайишини англатади [9].

М.Забалуева иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш - солиқ тўловчининг ихтиёрида солиқ тўлангандан кейин қоладиган маблағларни ошириш ҳисобига эришилади деб илмий асослаб берган [10]. Профессор Т.Маликов солиқларнинг фаолликка таъсири ҳақида тўхталиб, «солиқлар ёрдамида тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин»лигини таъкидлаб ўтган [11].

И.Лукаевич томонидан таҳлил қилинган инвестициялар моҳиятининг замонавий сифат таснифларини 1-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевларни - инвестиция даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар деб таърифларига тўлақонли қўшилиш мумкин [13].

1-жадвал

Инвестициялар моҳиятининг замонавий сифат таснифлари [12]

Таърифлар	Ишлаб турадиган соҳаси	Инвестициялар амалга ошириладиган мақсадларининг аниқ ифодаланиши
Маблағлар	Асосий фондлар	Даромадлар олинishi
Қимматликлар	Асосий капитал	Фойда олинishi
Ресурслар	Ишлаб чиқариш маблағлари	Капитални кўпайтириш
Харажатлар	Халқ хўжалиги тармоқлари	Пул бойликларини ўсиши
Капитал қўйилма	Ишлаб чиқариш сектори	Фойдали натижа (самара)га эришиш
Капитал захираларни ўсиши	Юридик шахс	Ижобий иқтисодий натижа (самара)га эришиш
Бўнак (аванс) бермоқ	Тадбиркорлик объектлари	Ижобий ижтимоий натижа (самара)га эришиш
Жараён	Иқтисодий объект	Такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш
Активлар алмашуви	Дастурлар	Ишлаб чиқариш секторини ишлаб туриши
Мулк ўзгариши	Лойиҳалар	Иқтисодиёт ўсишини молиялаштириш

Молия - кредит тизими - мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунда корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш ҳамда республика иқтисодиётига хорижий капитални кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур [14].

Давлат томонидан фойдани юқори солиққа тортиши натижасида хўжалик субъектларининг инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятлари секинлашувига олиб келади. Корхоналар фойдасини солиққа тортишда фақат фискал услублар билангина эмас, балки хусусий тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятларини ҳам рағбатлантириш зарур деб таъкидлайди профессор Ш.Тошматов. У корхона ва ташкилотлар фойдасининг ўсиши республикада солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғланганлигини илмий асослаб берган [15].

И.Майбуrows томонидан “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарслигидаги солиқ механизмига берилган таърифига тўхталадиган бўлсак, солиқ механизми – ўзида мамлакатнинг мавжуд бўлишини таъминлаш учун, унинг солиқ тизимини бошқариш тартибини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар тизимини ва ташкилий чораларни ифодалайди. Солиқ механизмининг ташкил этиш пойдевори – мамлакат солиқ тизимини бошқариш функцияларини амалга оширишга масъул бўлган аниқ субъектларни, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғиндисини, солиқ муносабатларнинг субъектлар таркибини ва бу механизмни амалга оширишнинг аниқ қонун-қоидаларини белгилайдиган солиққа оид қонун ҳужжатлари ҳисобланади [16].


М.Поповнинг “Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга инвестицияларни солиқ инструментлари орқали рағбатлантириш” мавзусидаги илмий мақоласида жаҳоннинг айрим ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида чел эл инвесторларига тақдим этиладиган имтиёзларни мазкур 2-жадвалда кузатишимиз мумкин [17].

2-жадвал

Жаҳон мамлакатлари бўйича чет эл инвесторига тақдим этиладиган имтиёзлар [17]

№	Мамлакатлар	Имтиёзлар, қўйилма маблағларга нисбатан %да	Иҳоҳ
1	Бельгия	100	Инвесторлар учун имтиёзлар
2	Италия	210	Инвесторлар учун имтиёзлар ва 10 йил муддатга солиқ таътиллари
3	Буюк Британия	30	Ишчи ўрин яратган ва ходимларни ўқитган инвесторлар учун имтиёзлар, солиқлар бўйича имтиёзлар ва тезлаштирилган амортизация
4	Ирландия	75	Ишчи ўрин яратган инвесторлар учун имтиёзлар, 11 йил муддатга солиқ таътиллари
5	Хитой	60	Корпоратив солиқ ставкаларини пасайтирилиши ва фойдани қайта инвестиция йўналтирилганлиги учун солиқ имтиёзлари
6	Саудия Арабистони	130	10 йил муддатга солиқ таътиллари
7	Қозоғистон	65	5 йил муддатга солиқ таътиллари, кейинчалик яна солиқларни 50 фоиз пасайтириш
8	Россия	25	Тайёр маҳсулотга божхона божлари 50 фоизга ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Шунингдек, Н.Филиппова томонидан ўзининг “Инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш” илмий мақоласида инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш усуллари тавсифи таҳлил қилинган [18].



1-расм. Инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш усуллари тавсифи [18]


Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, тасвирий статистик таққослаш усуллардан фойдаланиш натижасида инвестицион ресурслар ва солиқ механизмнинг замонавий сифат таснифлари, инвестицион ресурсларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишда солиқ механизмнинг амалдаги ҳолати, бу борадаги илғор хориж тажрибаси ҳамда солиқ механизми самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Таҳлил ва натижалар

Солиқ механизми – солиқларни ташкил этишда иштирок этадиган солиқ солиш билан боғлиқ элементлар йиғиндисидир [16]. Солиқ солиш билан боғлиқ элементлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [19] 24-моддасида белгиланган бўлиб, солиқлар орқали инвестицион жараёнларни тартибга солишда солиққа тортиш тизимининг асосан икки дастакларидан кўпроқ фойдаланилади: ставка ва имтиёзлар.

Ҳозирги кунга келиб солиққа тортишнинг биринчи дастагидан, яъни ставкаларни пасайтириш тарзидаги дастакдан етарлича фойдаланилди. Мисол учун фойда солиғи ставкасидан 1995 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7,5 фоизга (2018 йилда фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан бирга 14 фоизни ташкил этади) ёки 22 йил мобайнида 5 баробардан зиёдга камайтирилди.




2-расм. Ўзбекистонда фойда солиғи ставкалари пасайтирилиши таҳлили [20]

Корхона ва ташкилотлар фойдасининг ўсиши республикамызда солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғлангандир. Бироқ, ставканинг пасайиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган суммани инвестиция жараёнига жалб этиш ҳолатлари суст даражада амалга ошмоқда ва кутилган натижани бермаяпти дейиш мумкин.

Ўз навбатида корхоналар ихтиёрида қоладиган даромадлар тўлиқ инвестицияларга сарфланади дейиш ҳам бироз нотўғри бўлади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири, ҳар ким имкони борида камроқ солиқларни тўлашни ва кўпроқ даромад олишни истайди ва шу билан бирга даромаднинг бир қисмини келгусида кўпроқ даромад олиш учун риск сабабли сафарбар этишни ёки бошқача айтганда ажралишни истамайди.

Солиқлар орқали тартибга солишнинг иккинчи дастаги имтиёздир. Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири ҳисобланган иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлар бериш йўли билан ривожантиришни рағбатлантиришдир.



3-расм. 2011-2016 йилларда юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили [21]

Ушбу давр ичида тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган инвестиция, шу жумладан, жалб қилинган хорижий инвестициялари учун берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сони умумий фойдаланилган солиқ

имтиёзларига нисбатан ўртача 8,3 фоизни ташкил этган бўлса, имтиёзлар суммасида атиги 2,3 фозни ташкил этмоқда.

Таҳлилларимизни давом эттириб, 3-жадвал орқали фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзи, солиқ солиш базасидан камайтириш ва солиқ ставкаси пасайтирилиши самарадорлигини мазкур шартли мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

Қўйидаги ҳисоб китобининг натижалари шуни кўрсатадики, солиқ солиш базасидан (30 фоиз ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммаси чегирилган тақдирда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси 52,4 млн.сўмни ташкил этмоқда. Фойда солиғидан тўлиқ озод қилинган тақдирда эса 42,0 млн.сўмни, фойда солиғидан 50 % миқдорида озод қилинган тақдирда 39,0 млн.сўмни, фойда солиғи ставкасини 50 % миқдорида пасайтирган тақдирда 40,4 млн.сўмни ташкил этмоқда.

3-жадвал

Фойда солиғи бўйича солиқ ставкаси пасайтирилиши ва тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлиги ҳисоб-китоби [22] (млн.сўм)

Кўрсаткичлар	Базис вариант	Фойда солиғидан тўлиқ миқдорид а солиқ имтиёзи тақдим этиш варианты	Фойда солиғидан 50% миқдорид а солиқ имтиёзи тақдим этиш варианты	50% миқдорида фойда солиғи ставкасини пасайтириш варианты	Солиқ солиш базасидан (30% ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш варианты
Тушум	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0
Харажатлар	18,0	18,0	18,0	18,0	18,0
Ялпи фойда	42,0	42,0	40,4 (42,0-1,6)	42,0	42,0
Имтиёз	-	3,2	1,6 (50%*3,2)	-	12,6 (30%*42)
Фойда солиғи суммаси (7,5% ставка б-ча)	3,2	3,2	3	1,6 (50%*3,2)	2,2 ((42-12,6) *7,5%)
Соф фойда	38,8	42,0	37,4	40,4	39,8
Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси ҳисобланган жами сумма	38,8	42,0	39 (37,4+1,6)	40,4	52,4 (39,8+12,6)


Демак, бошқа имтиёз ва енгилликларга нисбатан солиқ солиш базасидан (30 фоиз ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш тарзидаги имтиёз корхона инвестицион фаоллигини оширишда самаралироқ ҳисобланади, чунки, бундай имтиёзлар ҳисобига қоладиган маблағлар солиқ тўловчининг ўзида мақсадли йўналтирилиши шарт билан бошқа имтиёзлардан фарқланади.

Тадқиқотимиз сўнггида қўйидаги 4-расм орқали тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган инвестиция, шу жумладан жалб қилинган хорижий инвестициялар учун берилган солиқ имтиёзларининг йиллар мобайнида ўсиш тенденциясини таҳлил қиламиз.

2011-2016 йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган инвестиция, шу жумладан жалб қилинган хорижий инвестициялар учун берилган

умумий солиқ имтиёзлари ўртача 35,2 фоизга ўсган бўлсада, ушбу давр мобайнида умумий инвестициялар ўртача 11 фоизга, хорижий инвестициялар 5,6 фоизга ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 6,8 фоизга ўсган.

Энг катта тафовутни 2013 йилга нисбатан 2014 йилда кузатиш мумкин, йўналтирилган инвестиция, шу жумладан жалб қилинган хорижий инвестициялар учун берилган умумий солиқ имтиёзлари 25,0 фоизга ўсишига қарамасдан, умумий инвестициялар 18,9 фоизга камайган. Бу солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги пастлигидан далолат бермоқда.



4-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ва тақдим этилган имтиёзлар таҳлили [22]

Солиқ ва божхона имтиёзлари эришилган (таннархни камайиши, меҳнат унумдорлигини ўсиши, фойдани ўсиши, бандликни, ишлаб чиқариш қувватларини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши, энергияни тежалиши, экспорт ҳажмини ўсиши ва бошқалар) натижалардан қатъи назар тақдим этилади, яъни «имтиёзлар – модернизация - натижалар» тамойилида фойдаланилмайди. Мазкур ҳолат саноат тармоқлари ривожига солиқ ва божхона имтиёзларининг таъсирига баҳо беришни қийинлаштиради.

Бундан ташқари, солиқ имтиёзларининг иқтисодиётга таъсирини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги, солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширишни тўхтатувчи омил ҳисобланади. Бу иқтисодиёт ва бюджет учун иқтисодий оқибатларидан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди ҳамда имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлиги яратилишини қийинлаштиради.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Солиқ имтиёзлари самарадорлиги пастлигининг асосий сабабларидан бири бу аксарият солиқ имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Шунинг учун тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари натижага йўналтирилиши, яъни имтиёз тақдим этилиши натижасида корхона рентабеллигини ошириш, янги иш ўрнини яратилиши, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши ва қувватларни тежалиши каби мезонлардаги ижобий ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддаси 3-қисмида назарда тутилган янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тест ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига, харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб 5 йил ичида ягона солиқ тўловининг солиқ солинадиган базасидан камайтириш белгиланган.

Мазкур солиқ имтиёзи самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги 3-хатбоши сифатида “янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан 3 йил ичида сотилган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилиниши ҳамда ушбу имтиёз фақат товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилиши” юзасидан қўшимча киритилиши ушбу имтиёзнинг натижадорлигини оширади.

3. Тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини бюджет даромадларидаги тегишли йўқотишлар миқдорини аниқ баҳолайдиган, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган мақсад самарадорлиги таҳлил қилинадиган ривожланган давлатларнинг андозалари асосида такомиллаштирилган услубиятни ишлаб чиқиши имтиёз олувчиларнинг масъулиятини янада оширади.

Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар амалда қўлланилиши келажакда солиқ тўловчиларни инвестицион фаоллигини оширишда, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда, имтиёзлар ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар мақсадли йўналтирилишида ва солиқ тушумларини оширишда сезиларли натижаларга эришилади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли фармони. ЎРҚХТ 06/18/5308/0610-сон 23.01.2018 й
3. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси». -Тошкент // Халқ сўзи. 22.12.2017 йил.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. 2014 йил 17 январь, № 14
5. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. Москва: ДЕЛО, ВИТА-ПРЕСС нашриётлари. 1996. – 544 б.
6. Кейнс Дж. М. «Трактат о деньгах» перев. с англ. Москва, Гелиос АРВ, –1930/468.
7. Кейнс Дж. М. Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси, Москва, Гелиос АРВ, 1999.–352.
8. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. -329 б.
9. William McBride Солиқларнинг иқтисодий ўсишга таъсири // Tax Foundation, National Press Building, 2012. № 207, 529 14th Street N.W., Suite 420, Washington, USA, DC 20045, <http://www.TaxFoundation.org>.
10. Забалуева М.А. Налоговое стимулирование инвестиций в инновацион-ное развитие экономики России, М.: ИНФРА. 2005. 213.
11. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия. –2002. 204.
12. Лукасевич И.Я. Теория инвестиций. Инвестиции: Учебник. – М.: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2011. – 413 с.
13. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: “Молия”, 1993. - Б 46.
14. Вахабов А.В. ва бошқалар Хорижий инвестициялар. –Т.: Молия, -2010. 328.
15. Тошматов Ш.А. - Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 40 б.
16. Майбуrow И.А. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015.-487 с.
17. Попов М.В. Иқтисодиётни инновацион ривожланишда инвестиция-ларни солиқ инструментлари воситасида рағбатлантириш. Илмий мақола. Вопросы современной науки. Университет им. В.И. Вернадского. Саратов. 2012. № 2 (40). 208-218.
18. Филиппова Н.А. Инвестиция фаолияти солиқлар воситасида тартибга солиш объекти сифатида. Илмий мақола. Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия Экономика 2013. -№6. 102-113.
19. Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Тошкент.Адолат нашриёти, 2016. 410.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2017 йиллардаги “Асосий макроиқтисодий кўрсакичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида”ги қарори. Lex.uz

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмиталарининг расмий сайтлари ҳисоботи ва маълумотлари.

22. Гиясов С.А. Корхоналарни инвестицион фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш. МД. БМА. Т.: Молия. 2017. - 76 б.